

2/2024,
aprel-
mart
(№ 00070)



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИДА ГАЗ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Абдуллаев Мунис Курбонович

Халқаро Нордик университети Саноатни бошқариш ва рақамли технологиялар кафедраси мудури, PhD, доцент. ТДИУ мустақил изланувчиси

m.abdullayev@nordicuniversity.org

ORCID: <https://orcid.org/0000-0003-0290-8453>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss2/a32

Аннотация

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётни ривожланишида газ қазиб чиқариш компанияларининг тутган ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариш соҳаси ЯИМ кўрсаткичи ёки ЯИМда қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаси ҳажмига нисбатан муҳимроқ эканлиги, газ қазиб чиқариш бўйича хорижий мамлакатлар таҳлили, хорижий мамлакатлар томонидан газ қазиб чиқариш тенденциялари, ОПЕСнинг маълумотларига кўра газ захиралари бўйича етакчилик қилаётган мамлакатлар таҳлили баён этилган.

Калит сўзлар: газ қазиб чиқариш, рақамли технологиялар, газ захиралари, суюлтирилган табиий газ, газ қазиб чиқариш компаниялари.

Кириш

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодиётни ривожлантиришда газ қазиб чиқариш компаниялари томонидан ишлаб чиқаришни кучайтириш ва маҳсулотлар ҳажмини ошириш стратегик вазифа сифатида қўйилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотида (ЯИМ) саноат корхоналари томонидан яратилаётган саноат маҳсулотлари иқтисодий ўсишни юқори суръатларга кўтараётганлиги, уларнинг бугунги иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларида яққол ўз ифодасини топаётганлигини кўришимиз мумкин.

Жаҳон мамлакатлари саноати жаҳон хўжалигининг салоҳиятини, техник ишлаб чиқариш динамикасини, фойдали қазилмаларни, моддий ва меҳнат ресурсларини қазиб олиш ва улардан фойдаланишни белгилайди. Ҳар бир давлатда саноат муҳим ўрин тутаети, чунки ялпи ички маҳсулот, аҳоли даромадлари ва фаровонлиги, ички ва ташқи савдо, давлат ичидаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик унга боғлиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг асосий долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунга қадар табиий ресурсларнинг иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилиб келинган. 1970 йилларда А.Смит ва Д.Рикардонинг иқтисодий ривожланиш жараёнларида табиий ресурсларнинг ўрни ҳақидаги назариясини қўллаб-қувватладилар. АҚШ олимлари томонидан биринчи бўлиб ёқилғи энергетика баланси таркибидаги ўзгаришларнинг мамлакат иқтисодий

ривожланишига таъсири ўрганилди [1]. Кейинчалик эса муаллифлар нефт ва газ нархининг ўзгариши дунёнинг турли минтақалари ва мамлакатлари иқтисодийётига таъсири даражасини аниқлаш бўйича илмий ыадқиқотлар сони ҳам ортиб борди [2].

Sachs ҳамда Warnerлар [3] томонидан ресурсларга бой мамлакатларнинг секинроқ ривожланишига эътибор қаратилди. Кейинчалик, илмий адабиётларда ушбу ҳодиса бўйича “ресурс лаънати”, “Голланд касаллиги”, нефт лаънати” каби кўплаб белгилар пайдо бўлди [4]. “Ресурс лаънати” атамаси табиий ресурсларга бой мамлакатларнинг табиий бойликларидан фойдалана олмаслигини ифодалаш учун ишлатилади.

Бугунги кунда эса “ресурслар лаънати” бўйича адабиётларда ресурсларга боғлиқлик барқарор иқтисодий ўсишга, жумладан, жамғарма, инвестициялар, инсон капиталига таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар устунлик қилади. Полтерович, Попов, Тонислар [5] олиб борган тадқиқот натижалари “иқтисодийётнинг институционал жиҳатлари ҳисобга олинмаса, “ресурслар лаънати” ҳодисасини тушунтириб бўлмайди” деган хулосани тасдиқлайди. Бундан ташқари, юқори ресурс ижараси институционал муҳит сифатини яхшилаш учун рағбатларни камайтиради, деб таъкидланади [6]. Иқтисодийётга энг салбий таъсир корпорациялар ҳам, давлат ҳам иштирок этадиган “ижарага интилиш” туфайли юзага келади, бунинг натижасида мамлакатда табиий ресурсларнинг мавжудлиги унинг учун «лаънат» га айланади [7].

Miller ва Журавлевалар [8] томонидан олиб борилган Россиянинг иқтисодий сиёсатини таҳлил қилишга бағишланган тадқиқотларда мамлакат нефт ва газга қарам бўлишиги қарамай Россия Президентининг иқтисодий стратегияси барфарорликни кафолатлаган ва ҳатто Ғарб санкциялари ҳамда нефтнинг паст нархи шароитида ҳам ўз кучини сақлаб қолишга муваффақиятли бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шу пайтга қадар табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, ресурсларга қарамликнинг ривожланишига сабаб бўлаётган омиллар, балки кўпроқ унинг иқтисодийёт учун оқибатлари, тармоқ, институционал ва ташкилий жиҳатларидаги таркибий ўзгаришлар ҳақидаги фаол муҳокамалар олиб борилмоқда. Ресурсларга боғлиқликнинг мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига, биринчи навбатда, асосий омил сифатида ЯИМ ўсиш суръатларига таъсири бўйича ҳам тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш даражасига кўра мамлакатлар ривожланган ва ривожланаётганларга бўлинади. Биринчи гуруҳ Шимолий Америка, Европа, Австралия ва Жануби-Шарқий Осиёда устунлик қилади. Иккинчи гуруҳ эса Осиё, Шарқий Европа, Болқон, Африка ва Жанубий Американинг қолган қисмига тўғри келади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, жаҳон мамлакатларида ЯИМ шартли равишда 3 қисмга ажратилади:

- 1) саноат ишлаб чиқариш;
- 2) қишлоқ хўжалиги;
- 3) хизматлар соҳаси.

Фикримизча, саноат ишлаб чиқариш соҳаси ЯИМ кўрсаткичи ёки ЯИМда қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаси ҳажмига нисбатан муҳимроқ ҳисобланади.

Газ қазиб чиқариш бўйича статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2022 йилда дунёда 3,9 триллион куб метр табиий газ истеъмол қилинди, бу 2021 йилдаги тарихий максимал кўрсаткич – 4,103 триллион куб метрдан 4,9 фоизга кам. Саноат компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган газ электр энергияси ишлаб чиқариш ва иситиш учун, кимё, пўлат ва бошқа саноат эҳтиёжлари учун ишлатилмоқда. Қолганлари эса экспорт учун йўналтирилган. Бунга қувур линияси ва суюлтирилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича етакчилар киради. Улар жаҳон ишлаб чиқаришининг қарийб 73 фоизини ташкил қилади¹.

Тадқиқот давомида олиб борилган илмий изланишларимиз натижасида кўриш мумкинки, 2021 йилдаги сакрашдан кейин 4,3 фоизга ўсган глобал газ ишлаб чиқариш 2022 йилда барқарор бўлиб қолган, чунки газга бўлган талаб пасайиб, Россияда ишлаб чиқаришнинг пасайиши Шимолий Америка ва Яқин Шарқда, Хитой ва Австралияда юқори ишлаб чиқариш ҳисобига қопланган.

Россияда газ қазиб олиш Европага экспортнинг камайиши туфайли 12 %га камайган. Голландиялик газ қазиб олишнинг давом этиши (2022 йилда -15%) Европа Иттифоқи газ қазиб олишнинг 7,6% га қисқаришига ёрдам берган, бу қисман Норвегия ва Буюк Британияда юқори ишлаб чиқариш билан қопланган. Африкада ҳам газ ишлаб чиқариш (-4,8%), хусусан Жазоир, Миср ва Нигерияда камайган (1-жадвал).

Шу билан бирга, газ қазиб олиш Шимолий Америкада (+4,8%, шу жумладан АҚШда +4,3% ва Канадада +7,3%), Хитойда (+6%), Австралияда (+7,3%), Яқин Шарқда (+3,2) ўсишда давом этган.

1-жадвал

2018-2022 йилларда газ қазиб чиқариш тенденциялари (млрд³ метр)

№	Мамлакатлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1.	АҚШ	872	962	949	985	1,027
2.	Россия	738	766	722	793	699
3.	Эрон	228	233	233	240	244
4.	Хитой	160	176	192	207	219
5.	Канада	195	188	184	191	205
6.	Қатар	166	168	167	168	170
7.	Австралия	121	145	156	151	162
8.	Норвегия	126	119	116	119	128
9.	Саудия Арабистони	97	98	99	105	105
10.	Алжир	97	90	85	100	102
11.	Малайзия	72	73	67	72	76
12.	Миср	68	69	62	72	68

Статистик маълумотларга тўхталадиган бўлсак, 2022 йил бошида Европада табиий газ нархи ҳар 1000³ метр учун 1000 АҚШ долларидан ошди. Бу «яшил» энергия истиқболлари бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга қарамасдан “кўк ёқилғи” XXI асрда муҳим ресурс бўлиб қолаётганини яна бир бор исботламоқда. Шунингдек, айнан суюлтирилган табиий газ бозорининг ривожланиши ва уни етказиб бериш бўйича шартномаларнинг биржа савдоси бугунги кунда “кўк ёқилғи” нархлари нафақат реал талабга, балки бозордаги нархларга ҳам боғлиқ бўлишига олиб келмоқда.

2022 йил баҳорга келиб эса Европада газ нархи 1000³ метр учун 1500 АҚШ долларида ошди. Албатта, ҳеч ким ер остида қанча табиий газ борлигини аниқ билмайди, аммо, захиралар ҳақида гап кетганда, биз турли мамлакатлардаги кашф қилинган конлар ва углеводородларнинг тасдиқланган ҳажмлари ҳақида бормоқда. Агар бирор жойда янги конлар топилса, бу мамлакатдаги газ захиралари шунга мос равишда ортишига олиб келади.

Табиий газ захиралари тўғрисидаги маълумотлар нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти ОПЕС (Organization of the petroleum exporting countries – Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти) томонидан эълон қилинади. Унга кўра, “2020 йил охирида табиий газнинг глобал тасдиқланган захиралари 0,4 фоизга қисқариб, тахминан 206,7 триллион³ метрни ташкил қилган”. ОПЕСга аъзо мамлакатларда 2020 йил якунига кўра табиий газнинг тасдиқланган захиралари 73,74 триллион куб метрни ташкил этган, бу 2019 йил якунидаги даражадан 1,4 фоизга кам ҳисобланади. ОПЕСнинг 2021 йил учун статистик бюллетенига кўра, табиий газнинг энг катта ҳажми Яқин Шарқда тўпланган – 81 075 миллиард³ метр.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, тадқиқотимиз давомида жаҳонда қайси давлатлар энг катта табиий газ захираларига эга эканлигини таҳлил қилдик. ОПЕСнинг 2021 йил учун бюллетенида мамлакатлар бўйича табиий газ захиралари бўйича қуйидаги статистик маълумотлар келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

**ОПЕСнинг 2021 йил маълумотларига кўра газ захиралари бўйича
10 та етакчи давлат ²**

№	Мамлакат	Газ захиралари, миллиард куб метр
1.	Россия	48 938
2.	Эрон	34 077
3.	Қатар	23 831
4.	Туркманистон	15 365
5.	АҚШ	12 958
6.	Саудия Арабистони	8 438
7.	Бирлашган Араб Амирликлари	7 726
8.	Нигерия	5 750
9.	Венесуела	5 590
10.	Алжир	4 504

2-жадвал маълумотларига кўра, Россия табиий газ захиралари бўйича дунё мамлакатлари орасида биринчи ўринда туради. ОПЕС маълумотларига кўра, 2020 йил охирида Россия Федерациясидаги конлар ҳажми 48,938 миллиард³ метрни ташкил қилган.

Эрон ҳам газ захиралари бўйича иккинчи ўринда туради. Бу мамлакатда тасдиқланган “кўк ёқилғи” ҳажми 34 077 миллиард³ метрни ташкил қилади.

Учинчи ўринда Қатар жойлашган бўлиб, унинг кўрсаткичи 2020 йил якунига кўра 23,831 миллиард³ метрни ташкил қилади.

Шунингдек, табиий газ захиралари бўйича дунёнинг биринчи бешта давлатига Туркменистон (15 365 миллиард³ метр) ва АҚШ (12 958 миллиард³ метр) киради.

Бугунги кунга қадар нафақат ресурсларга қарамликнинг ривожланишига сабаб бўлаётган омиллар, балки кўпроқ унинг иқтисодиёт учун оқибатлари, тармоқ, институционал ва ташкилий жиҳатлардаги таркибий ўзгаришлар ҳақида ҳам кенг муҳокамалар олиб борилмоқда. Ресурсга қарамликнинг мамлакатлар ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичларига, биринчи навбатда, иқтисодиёт самарадорлигининг асосий кўрсаткичи сифатида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш суръатларига таъсирини ўрганиш, тармоқ ва соҳаларни рақамлаштириш ҳамда замонавий рақамли технологияларни қўллаган ҳолда рақамли трансформация қилиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли трансформация иқтисодиётнинг барча тармоқлари, комплекслари ва соҳаларига, жумладан, саноат комплекси, энергетика, алоқа ва транспорт таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, давлат бошқаруви, маркетинг, оммавий ахборот воситалари, миллий хавфсизлик ва бошқаларга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Жумладан, газ қазиб чиқариш саноатини рақамли трансформациялаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда барча соҳалар фаолиятининг рақамли трансформациясига замонавий рақамли технологиялар, жумладан, Big Data, буюмлар Интернет, робототехника, сунъий интеллект, блокчейн технологиялари, булутли ҳисоблаш ва ҳоказолар сабаб бўлмоқда. Linz Johannes Kepler (Австрия) университети тадқиқотчиси Khin Но фикрига кўра, бугунги кунда компаниялар рақамлаштириш жараёнига жалб қилиниши ва рақамли трансформацияни ўз ичига олиши керак, чунки рақамли технология бизнесда муҳим янгиланишларни киритиши мумкин, масалан, мижозлар тажрибаси ва иштирокини ошириш, бизнес операцияларини оптималлаштириш ва ҳатто рақамлаштириш мутлақо янги бизнес моделларини яратишга ёрдам беради. Акс ҳолда, корхона қаттиқ рақобатга дуч келиши ва замонавий бозорда омон қолиш учун заифлашиши мумкин³.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш хусусияти ўзгариб бораётган бир даврда мамлакатимиз ҳам жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда. Хусусан, хорижий мамлакатлар, айниқса ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг мазкур йўналиш бўйича ривожланишидаги ютуқ ва камчиликлари, ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги тўғри ёндашувлар бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бораётган республикамиз иқтисодиётини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишда тажриба сифатидаги аҳамияти каттадир.

Мамлакатимизда ҳам газ қазиб чиқариш компаниялари томонидан кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. 2030 йилга бориб Ўзбекистонда табиий газ қазиб олиш ҳажми 66,1 миллиард³ метрни ташкил этиши режалаштирилган. Ўз навбатида, истеъмол 56,5 миллиард³ метрга етади, бу ички истеъмолчилар талабини қондириш ва табиий газни хом ашё сифатида чуқур қайта ишлаш устуворлигига ўтишни англатади. Ушбу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан табиий газни чуқур қайта ишлаш ва унинг самарадорлигини ошириш ва бозор муносабатларига ўтказиш

мақсадида тармоқни ислоҳ қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича кенг кўламли лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда⁴.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг қарийб 1 фоизи меҳнат қиладиган нефть ва газ саноати ялпи ички маҳсулот, бюджет даромадлари ва валюта тушумларининг асосий манбаларидан бири бўлиб, саноат ишлаб чиқариши таркибида ва инвестицияларни жалб этишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Айнан шу нарса иқтисодийнинг ривожланиши, одамларнинг фаровон яшаши, иқтисодийнинг устувор тармоқларининг нормал фаолият юритиши учун шарт-шароит яратиш имконини беради. Бироқ, бугунги кунда улкан нефть ва газ инфратузилмасини нормал иш ҳолатида ушлаб туриш, ундан ҳам кўпроқ табиий газ қазиб олиш ҳажмини ошириш, аҳоли ва мамлакат иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун соҳани трансформация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Янги техник ва ташкилий-технологик ечимларнинг ишлаб чиқиши, уларни қўллаш бўйича қарорларнинг қабул қилиниши, корпоратив корхоналар инновацион бошқаруви асосий тамойил-ларининг такомиллаштирилиши такрор ишлаб чиқариш жараёнларини янгилаш ҳамда иқтисодий ўсиш учун қўшимча имконият яратди. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни ишлаб чиқаришни замонавий техно-логиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараённинг самарадорлигига саноат корхоналарининг инновацион бошқарув тизими ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди.


Айниқса, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнидан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технология-лар билан жиҳозлаш, маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга рақамли технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кенгайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш, сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш, чиқиндисиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш каби модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситаларини амалга ошириш саноат корхоналарида ўзига хос хусусиятларни намоён этади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг иқтисодий фаолият турлари ва асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши бўйича таҳлил қилиш ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммоларнинг ечими сифатида қатор таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Таҳлилларимизга кўра Ўзбекистон саноатида йирик тижорат корхоналар сони салмоқли улушни ташкил этмоқда ва уларнинг сони ошиб бориш тенденциясини намоён этмоқда. Хусусан 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра саноатда фаолият кўрсатувчи йирик тижорат корхоналари сони 549 тани, 2022 йилда 753 тани ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб ушбу кўрсаткич 372 тани ташкил этмоқда.


1-расм маълумотларига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича саноатдаги йирик тижорат корхоналар сонини таҳлил қиладиган бўлсак, асосий улуш ишлаб чиқарадиган саноатга тўғри келмоқда, яъни 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра уларнинг сони 631 тани ташкил этмоқда. Бу 2020 йилга нисбатан камайиш тенденциясига эга бўлсада, самарали фаолият юритиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига хизмат қилмоқда. Сув билан таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи

Йирик тижрат корхоналар сони ҳам камайиш ва ўсиш тенденциясига эгалигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Республикамизда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноатдаги йирик тижрат корхоналар сони⁵

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, асосий улуш яна ишлаб чиқарадиган саноат зиммасига тўғри келмоқда (2-расм). Яъни, 2012 йилда қарийб 57,4 трлн. сўм, 2017 йилда 98,1 трлн. сўм 2023 йилда эса ишлаб чиқарадиган саноатдаги йирик тижрат корхоналар томонидан қарийб 553,4 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу эса юртимизда йирик тижрат корхоналарнинг айнан ишлаб чиқарадиган саноатда фаолият олиб боришлари учун катта эътибор қаратилганлиги ва рағбанлантирилаётганлиги ҳамда миллий иқтисодиётимизнинг ушбу тармоғи йилдан-йилга яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.




2-расм. Республикамизда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноатдаги йирик тижрат корхоналарнинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми⁶ (млрд. сўм)

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Саноатнинг миллий иқтисодиётимиздаги улуши ва аҳмияти кундан кунга ортиб бораётганлигини ва биз бунини саноатнинг ЯИМдаги улуши ўсганлигида ҳам кўришимиз мумкин. 2000 йилда бу кўрсаткич 16,2 %ни ташкил этган бўлса 2023 йилга келиб 26,1 %ни ташкил этди. Қурилиш тармоғида эса 6,9 %дан 6,2 %га камайди. Яна шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги юқори суръатларда ўсаётганига қарамай ЯИМдаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2000 йилда 34,4 %ни ташкил қилган бўлса, 2023 йилга келиб 24,3 %ни ташкил этди. 2023 йил якунларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси 6,8% га ўсди ва ЯИМдаги улуши 43,4% га етди (3-расм).



1.3-расм. 2000-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг таркибий ўзгариши (%да)⁷

Мамлакат саноатининг ривожланиш даражаси миллий иқтисодиёт, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм, илм-фан, таълим ва бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодиётнинг ривожланиш салоҳияти қанчалик юқори бўлса юқорида айтиб ўтилган соҳаларнинг ҳам ривожланиш салоҳияти шунча юқори бўлади. Саноатнинг ривожланиш даражаси мамлакатдаги аҳоли фаровонлиги ва яшаш даражасига таъсир қилади.

Яна шуни қайд этиш лозимки, саноат тармоқларини ривожлантириш учун Ўзбекистон етарлича моддий, меҳнат, молиявий ва интеллектуал ресурсларига эга бўлиб, бу ресурслардан оқилона фойдаланилганда республика саноатининг янада ривожланишига эришилади ва ўз навбатида мамлакат ривожланишини янги босқичга олиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Rasche R. H., Tatom J. A. (1977). Energy resources and potential GNP. Federal Reserve Bank of St. Louis Review (Jun), pp. 10-24.; Sachs J. (1982) The oil shocks and macroeconomic adjustment in the United States. European Economic Review, vol. 18, iss. 1, pp. 243-248.

2. Bjornland H. C. (2000) The dynamic effects of aggregate demand, supply and oil price shocks-a comparative study. The Manchester School, vol. 68, iss. 5, pp. 578-607.; Rautava J. (2004) The role of oil prices and the real exchange rate in Russia's economy-a cointegration approach. Journal of comparative economics, vol. 32, iss. 2, pp. 315-327.; Chuku C., Effiong E., Sam N. (2010) Oil price distortions and their short-and long-run impacts on the Nigerian economy. MPRA Paper, no. 24434, pp. 1-31.

3. Sachs J. D., Warner A. M. (2001) The curse of natural resources. European economic review, vol. 45, iss. 4-6, pp. 827-838.

4. Gylfason T. (2001) Natural resources, education, and economic development. European economic review, vol. 45, iss. 4-6, pp. 847-859.

5. Polterovich V. M., Popov V. V., Tonis A. S. (2007) Mechanisms of resource curse and economic policy. Voprosy ekonomiki, no. 6. pp. 4-27.

6. Benson I. N. (2016) The impact of institutional environment on wealth and economic development: crosscountry comparisons. Vestnik Sankt-Peterburgskogo universiteta. Seriya 5, Ekonomika, no. 3, pp. 38-55.

7. Humphreys M, Sachs J, Stiglitz J. E. (2007) Escaping the Resource Curse. New York, Columbia University Press. 432 p.

8. Miller C. (2018) Putinomics: Power and Money in Resurgent Russia. UNC Press Books. 240 p.; Журавлева Г. П. (2014). Экономическая политика современной России: модернизация и реиндустриализация. Вестник Тамбовского университета. № 3. С. 26-32.